

- **Илғор ҳудуд**
- **Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!**

АРНАСОЙДА БУ ЙИЛ БАЙРАМ ЎЗГАЧА

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Илғор ҳудуд” дастурларини замонавийлик ва кўрк бахш этувчи қудратли тўлқинга қиёслагинг келади. Бу тўлқин сабаб бугун юртимиз чирой очаяпти, одамларнинг турмуш маданияти юксалмоқда, бугуни ва эртасига ишончи ортаётир. Чунончи, Жиззах вилоятининг Арнасой тумани марказига йўлингиз тушса, айна шу хулосага келишингиз тайин.

Арнасоини илғор ҳудудга айлантиришга қаратилган тадбирларга мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 3 январдаги “Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Фармони асосида киришилди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлашга эса республика Ички ишлар вазирлиги масъул этиб белгиланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида вазирлик вакиллари бошчилигида туманда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яъни, давлат ва жамоат ташкилотлари бинолари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, корхоналар, аҳоли турар жойлари таъмирланди, янгилари барпо этилди.

Анъанага кўра, юртимиз мустақилликка эришган қутлуғ кун арафасида бир қатор ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари фойдаланишга топширилди. Ана шу муносабат билан уюштирилган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Турсинхан Худайбергенов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновлар иштирок этишди.

Жумладан, мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Arnasoy gold teks” масъулияти чекланган жамиятининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир аввалида йиғилганлар улуғ аём билан қутланиб, мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ислохотларга тўхталиб ўтилди. Йилига 50 миллион АҚШ долларига тенг қийматда маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга “Arnasoy gold teks” корхонаси ҳақида маълумот берилди.

Жумладан, 450 та замонавий тикув дастгоҳларига эга корхонага дастлабки босқичда 800 нафар ишчи олиш, кейинчалик иш ўринлари сонини 1200 тага етказиш ҳамда маҳсулотларни Туркия, Россия, Германия ва Осиёнинг бир қатор давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилаётгани билдирилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Турсинхан Худайбергенов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновлар корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари билан танишдилар. Тадбир давомида ИИВ ашула ва рақс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди.

Шундан сўнг туман ахборот кутубхона марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, мазкур марказ қурилишига республика Ички ишлар вазирлиги ҳомийлик қилди. 50

минг дона китоб сифимига эга, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлган кутубхона Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусдан бирининг самарали ижроси сифатида баҳоланди. Ушбу ажойиб зиё маскани учун ИИВга миннатдорчиликлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Турсинхан Худайбергенов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ахборот кутубхона марказида яратилган шароитларни кўзда кечиришди. Ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов марказни янги адабиётлар билан бойитиш, бу ерга китобхонларни, хусусан, ёшларни жалб этишга оид тавсиялар берди.

Худди шундай, ИИВ маблағлари ҳисобидан қисқа муддатларда куриб битказилган Арнасой тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда ходимлар фаолияти учун барча шароитлар яратилган.

Шу куни туман марказидаги Хотира хиёбони ҳам очилди. Тадбирда барча Истиқлол айёми билан қутланиб, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорликларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Хиёбон марказидаги мотасаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Турсинхан Худайбергенов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновлар ИИВ маблағлари ҳисобидан таъмирланиб, жиҳозланган 140 ўринли “Наврўз” мактабгача таълим ташкилотида ҳам бўлдилар. Шунингдек, Самарқанд маҳалласидаги кўп қаватли уйларга кириб, таъмир сифатини баҳоладилар.

— Туманимиз очилганига 44 йил бўлди, орада эътибор кам бўлдимиз, ҳудудимиз сал ночор ҳолга келиб қолганди, — дейди Ўзбекистон фахрийларни қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг Арнасой тумани бўлинмаси раиси Бекпўлат Эшпўлатов. — Президентимиз ташаббуси билан бу йил туманимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Арнасой Тошкентдек бўлиб кетди. Кўчалар кенгайди, тунда ҳам ёп-ёруғ, ҳамма бинолар янгича кўриниш олди. 41 та кўп қаватли уйимиз худди кеча қурилгандек таъмирланди, ўнлаб савдо, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. Сув, электр, газ, оқова тармоқлари янгиланди. Эътиборлиси, одамлар нафақат шароити қулай уйларда яшашти, балки иш жойларига эга бўлаётир. Шундан халқимизнинг қалби қувончга тўлган, ҳамманинг юзида мамнунликни кўрасиз. Бу ўзгаришлар бошида турган Президентимиздан ҳамда республика Ички ишлар вазиридан арнасойликлар чексиз миннатдор.

Арнасойда капитал таъмирдан чиқарилган туман маданият марказининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда 288 ўринли марказда доимий равишда концертлар, театр томошалари, маърифий тадбирлар уюштириш, бадиий фильмлар намойиш этиш, санъат тўғараклари фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилаётгани билдирилди. Шундан сўнг марказда “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ИИВ

ашула ва ракс ансамбли, ўзбек миллий академик драма театри санъаткорлари иштирокида концерт ташкил этилди.

Дарвоқе, ушбу иншоотларнинг очилиш маросимлари Арнасойда Ватанимиз Мустақиллигининг 28 йиллиги нишонланган санага тўғри келди. Мазкур жиҳат байрамга ўзига хос шукуҳ, кўлам ва кўтаринкилик бағишлади, десак адашмаймиз.

Булар ҳаммаси эмас, яъни Арнасойни илғор ҳудудга айлантиришга қаратилган тадбирлар давом этмоқда. Йил охиригача яна бир қанча корхоналар ва ижтимоий соҳа объектлари ишга туширилади. Асосийси, бунёдкорлик ҳисси одамлар кўнглига ҳам кўчган. Демакки, Мирзачўлнинг кенжа кенти чирой очишда давом этаверади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Postda” мухбири.
Жиззах вилояти.**